Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 252 (4650)
5 НОЯБРЬ 1981 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқроқ қондирингиз!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан)

Муҳаррам Маъдиева 12 йилдан бери Тошкент заргарлик заводида заргар бўлиб ишлаб келмоқда. У коммунистик меҳнат зарбдори, шаҳар партия комитетининг аъзоси. Бир беш йиллликда ниқ беш йиллик планни бажариш мажбуриятини олган илғор ишчи кунлик нормасини 160 процентга етказиб адо этмоқда. Ҳозир у 1982 йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаяпти.

СУРАТДА: М. Маъдиева.

ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ШОНЛИ БАЙРАМ АРАФАСИДА

• Меҳнат зафарларимиз — Улуғ Октябрга!

• 1981 ЙИЛ 5 ДЕКАБРЬ — УМУМШАҲАР ШАНБАЛИГИ КУНИ

• *Ранг-баранг анвойи гуллар*

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетида

ТАШАББУС КЕНГ ҚАНОТ ЁЙСИН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ МОСКВАЛИКЛАРНИНГ 1981 ЙИЛ 5 ДЕКАБРДА НЕМИС-ФАШИСТ ҚУШИНЛАРИ МОСКВА ОСТОНАЛАРИДА ТОР-МОР ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ УЧУН УМУМШАҲАР ШАНБАЛИГИ ЎТКАЗИШ БУЙИЧА БОШЛАГАН ПОЧИНИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАГАН ШАҲАРДАГИ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ТАШАББУСИНИ МАЪҚУЛЛАДИ.

Шу масала бўйича қабул қилинган қарорда таъкидланадики, республикамиз пойтахти саноат корхоналари меҳнат коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, шу йил 27 октябрда, муддатидан илгари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн ойлик давлат планини бажардилар, планга қўшимча 40 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Шаҳарнинг беш корхонаси, 27 минг ишлаб чиқариш илғори ва новатори 7 ноябрга қадар ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажаришади.

Зарбдор октябрь олди вахтасини давом этказиб, шаҳардаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизил тонг», «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, 1-уйсозлик комбинати, 11-«Висотстрой» трести, марказлашган усулда юк ташиш бўйича Тошкент шаҳар автотрестининг 2502-автоколоннаси илғор коллективлари Москва шаҳридаги корхоналар ва ташкилотларнинг 1981 йил 5 декабрда немис-фашист қўшинларининг Москва остоналарида тор-мор этилганлигининг 40 йиллигини нишонлаш мақсадида умумшаҳар шанбалиги ўтказиш бўйича бошлаган почининларини қўллаб-қувватладилар.

Жумладан, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шанбалик куни планга қўшимча маҳсулот, шу жумладан, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, барча иш жойларида юксак ишлаб чиқариш унумдорлигига эришиш мажбуриятларини олдилар.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йил 5 декабрда 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди, 3 минг сўмни тинчлик фондига ўтказади. Шу куни бутун маҳсулот тежалган хом ашёдан тайёрланади.

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари 60 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, шундан 6 минг сўмлигини давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқаришади.

«Ўртоқ» кондитер фабрикасида шанбалик куни 80 тонна ёки 112 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

1-уйсозлик комбинати коллективи шу йилнинг 5 декабрида 130 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришади ва тинчлик фондига 5,2 минг сўм ўтказишади.

Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 2502-автоколоннаси транспортчилари 11 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташишади, 20 автомобиль ва автоприцепни, 8 агрегат ва узелни ремонтдан чиқаришади, 1 минг литр бензин тежашади.

Шу билан бирга шанбалик куни катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети Москвадаги корхоналар ва ташкилотларнинг 1981 йил 5 декабрда Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 40 йиллигини нишонлаш учун умумшаҳар шанбалиги ўтказиш бўйича бошлаган починини қўллаб-қувватлаган илғор коллективларнинг ташаббусини маъқуллади.

Район партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига шаҳарнинг барча меҳнат коллективларида москваликларнинг ташаббусини кенг ёйиш, шу куни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш таклиф этилди.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси, радио ва телевидениега шу йил 5 декабрда ўтказиладиган умумшаҳар шанбалигига тайёргарлик ва уни ўтказишни ҳар томонлама кенг ёритиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети шунга қатъий ишонадики, шаҳардаги корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари шу йил 5 декабрда зарбдор меҳнатлари билан ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ва бутун беш йиллик топшириқларини муддатидан аввал муваффақиятли бажаришига муносиб ҳисса қўшадилар.

Шаҳримиздаги чарм-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оляпти. Бирлашма меҳнаткашлари планга қўшимча равишда республикамиз ва мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳар ларига 700 минг сўмлик маҳсулот жўнатди.

СУРАТДА: 1-цех илғор ишчиларидан (чапдан ўнгга) Лобар Каримова, Гулнора Юнусова, Кимё Комилова, Кундуз Салимхўжаева ва Озода Асомовалар ўзлари тайёрлаган янги маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

И. Шоннозомов фотолари.

БАЙРАМ ГУЛДАСТАСИ

Атиргул, чиннигул, хризантема, кала... Ана шундай гулларни «Тошкент гуллари» фирмаси магазинларидан байрам кунлари харид этиш мумкин.

Ранг-баранг, хушбўй гулларни шаҳар манзарали боғдорчилик совхози, Шредер номли боғдорчилик институти мирзишкорлари етказиб беришяпти. Ҳозир ана шу хўжаликларда ўнлаб номдаги хонаки ва кузги гул кўчатлари ҳам келтирилган.

Бугунги кунда «Тошкент гуллари» фирмасининг 10 та магазини, 5 та павильони ва 5 та киоскаси ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатмоқда. Ана шу дўконлардан бир кунда эллик минг дона, байрам кунлари эса юз минг дона гул сотилмоқда.

ҲАР БИР КУН ЗАРБДОР

Тошкент граммпластинкалар заводининг аҳил коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан ишлаб чиқ-қан тадбирлар планида: «1981 йилни зарбдор меҳнатимиз билан нишонлаймиз!» деб қайд этган эди. Сўзи билан иши бир коллектив ўн ойлик план топшириқларини муддатидан илгари адо этди. Элга яхши қайфият улашиш мақсадида мамлакатимизнинг турли халқлари тилида 800 минг донадан кўп-роқ граммпластинкаларни планга қўшимча ишлаб чиқарди. Улуғ Октябрь байрами арафасида корхонада Ўрта Осиё халқлари ва қозоқ тилида, шунингдек украин, белорус, грузин ва бошқа халқлар тилларида янгиянги граммпластинкалар ишлаб чиқарилди.

Байрамолди социалистик мусобақасида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери токарь Саидазим Эшонхўжаев, III даражали Меҳнат Шуҳрати орденига сазовор бўлган матбаачи Раиса Федорова, прессловчи Раҳима Хайруллина, шаҳар Совети депутатлари — монтёр Ольга Силантьева, ишчи Алевтина Шамсудинова, Куйбишев район Совети депутатлари — ремонт цехининг йўнувчиси Холиса Юсупова, прессчи Татьяна Грибенникова, Зинаида Рагутина каби 70 дан ортиқ илғор ишчилар йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонлари хизматида

Тошкент ресторанлар трести коллективининг шу йили учинчи кварталда қилган ишларига якун ясалди.

Тошкент шаҳар партия комитети, тармоқ касаба союзлари область комитети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитети таъсис этган кўчма Қизил байроқни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Г. Халилов трестга топширди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ҳамда тармоқ касаба союзлари республика комитетининг кўчма Қизил байроғини республика савдо министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бош қармасининг бошлиғи Р. Ю. Ўроздоев трестга топширди.

Биз Тошкент шаҳар ресторанлар трести директори М. З. УСМОНОВдан коллективнинг амалга оширган ишлари тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.

— Коллективимиз учинчи квартал товар оборот планини муддатидан илгари — 29 сентябрда бажарди, — деди М. З. Усмонов. — Планга қўшимча равишда 92 минг сўмлик фойда кўрилди. Ўзимиз ишлаб чиқарган маҳсулотларни реализация қилиш плани 100,9 процент адо этилди.

Трестнинг ҳамма бўлинмалари ва умумий овқатланиш тармоқларида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Бунда план топшириқларини бажаришгагина эмас, шу билан бирга тайёрланаётган таомлар сифатини ошириш, хизмат маданиятини яхшилашга катта эътибор бериб келинмоқда. Шу йилнинг июль-сентябрь ойларида 120 та савдо кўргазмаси ва конференциялар ўтказилди. Буларда бир қатор кафе, ошхона, ресторанларнинг ишда юксак кўрсаткичларга эришганликлари таъкидлаб ўтилди. Ҳаридорлар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар ишимизда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш йўлида асос қилиб олинди.

Фаолиятимизни трестга қарашли корхоналар ишини ташкил этиш ва улар устидан назорат олиб бориш билан чекласак, тўғри бўлмаган бўлар эди. Янги-янги умумий овқатланиш корхоналарини қуриб, ишга тушириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Бу ҳам учинчи кварталда қилган ишларимиз якунида хисобга олинди.

— Мираброр Зуфарович, шу ўринда шаҳримизда яқин орада ва байрам олдн кунларида қаерларда янги тармоқлар очилганлиги ҳақида билишни истар эдик.

— Аввало В. И. Ленин номидаги Халқлар дўстлиги Саройи қошида очилган кафени жуда яхши безатилган ҳамда хизмат маданияти юксалган, деб аташ мумкин. Кафе шу каби объектлар қурилишида эришилган сўнгги ютуқларни ҳисобга олинган ҳолда қурилган ва пардозланган.

Коллективимиз 7 ноябрь арафасида ҳамшаҳарларимизга ҳақиқий байрам совғаларини тайёрлади.

Масалан, куни кеча «Олмазор» турар-жой массивида янги катта қулинария магазини тантанали равишда очилди. Бу магазин 1-уйда жойлашган. У ҳам замонавий технология ускуналари билан жиҳозланган, қулинария, ярим тайёр масаллиқлар ва кафе—экспресс бўлмаларидан иборат. Бу ерда ҳамма вақт иссиқ — овқат истеъмол қилиш мумкин. Магазинидан сал олдинроқ З. Шамсутдинова кўчасида янги ошхона очилган эди. «Баҳор» ресторанининг реконструкция қилинганлиги ҳам ҳамшаҳарларимиз учун байрам олдидан яхши совға бўлди.

Электрон-техника заводи ҳамда «Россия» ресторанига яқин жойлашган корхоналар коллективининг таклифи билан ресторан қошида 60 ўринли «Марҳабо» кафеси очилди. Бу ерда ўқ-рандалар тез ва сифатли овқатланишлари мумкин.

— Маълумки, шаҳримиз Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўряпти. Ана шу шонли сана нишонланишига қўшиладиган ҳисса қандай бўлади?

— КПСС XXVI съезди қарорларида умумий овқатланиш тармоқларини янада кенгайтириш, хизмат маданиятини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу эса бизнинг хизматимизда, жумладан Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик кўриш ишларимизда дастуриламал бўлиб қолмоқда. Асосий қурилиш ишлари келаси йили авж олади, жумладан янгитдан бунёд этилаётган турар-жой массивлари ва микрорайонларда кўпгина умумий овқатланиш корхоналари қурилади.

Масалан, «Олмазор» массивида 250 ўринли парҳез ошхонаси ва «Ешлик» кафеси қурилиб ишга туширилади. «Октябрь» ресторани қошида ярим тайёр масаллиқлар магазини, кафе-мороженоехона ва кафе-бар очилади. Келаси йили шаҳримиздаги энг гавжум «Тошкент» ресторани худди «Баҳор» ресторани каби реконструкция қилинади.

Шота Руставели кўчасида Ҳаво йўли марказий агентлиги биноси ёнида қад ростлайдиган кафе-мороженоехона яқин ўртада қуриладиган инфоотлардан ҳисобланади.

Бизнинг асосий янги қурилишимиз — 1100 ўринли ресторандир. Ресторанда учта зал — битта 600 ўринли асосий ва иккита зиёфат зали бўлади. Бу ресторан ўзининг архитектураси, пардозланиши ва такомиллашган техника билан жиҳозланишга кўра мамлакатимизда энг замонавий умумий овқатланиш корхонаси бўлади, дейиш учун асос бор. Бу ресторан Халқлар Дўстлиги саройи яқинида қурилади.

— Умумий овқатланиш тармоғининг бундай истиқболли ривожланиши албатта таъминот ҳамда моддий техника билан таъминлаш базасини яхшилашни тақозо этса керак?

— Бу, сўзсиз. Шунинг учун ҳам бу ҳақда олдиндан ғамхўрлик кўра бошладик. Шу йил май ойида ошхоналар трестининг базаси фойдаланишга топширилди. Бу, турли жойларда тарқоқ ҳолда жойлашган моддий-техника таъминоти омборларини бир жойда бирлаштириш имконини берди. 3 минг квадрат-метрдан ортиқ фойдаланиш майдонига эга бўлган бу янги база умумий овқатланиш тармоғининг бундан буён янада ривожланишини ҳам таъминлай олади.

Бизнинг маблағимиз ва актив қатнашувимизда «Текстильщик» совхози территориясида 10 минг бош чўчқа боқиладиган комплекс фойдаланишга топширилди. Бу комплекснинг иккинчи навбат қурилиши ҳам нихоясига етай деб қолди.

Ҳозир ресторанлар трести ихтиёрида 165 та умумий овқатланиш корхонаси бор. Бу системани бундан буён янада ривожлантириш хўрандаларга хизмат маданиятини ошириш, тайёрланадиган таомлар сифатини яхшилаш, янги хил юқори калорияли ва сервитамин таомлар ишлаб чиқаришни жорий этиш билан бирга қўшиб олиб борилади.

Ишимизнинг бундан буёнги муваффақиятлари социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришда, план топшириқлари ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун курашни активлаштиришга, шаҳар партия ва совет ташкилотлари, республика савдо министрлиги, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармасининг муттасил кўрсатиб келаётган эътибори ва ёрдамида, деб биламиз.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

3 НОЯБРЬ КУНИ РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 1,09 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ЕКИ 63 МИНГ 523 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАНДИ. АНА ШУНИНГ 40 МИНГ 840 ТОННАСИ МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА ТЕРИБ ОЛИНДИ. ШУ КУНИ 5 МИНГ 379 ТОННА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ.

МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 5 МИЛЛИОН 399 МИНГ 872 ТОННА ДУРДОНА ИНГИБ-ТЕРИБ ОЛИНДИ. ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ 92,46 ПРОЦЕНТ БАЖАРИЛДИ. МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА 3 МИЛЛИОН 459 МИНГ 428 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» САРАНЖОМ-САРИШТА ҚИЛИНДИ. ИПАК ПАХТА ХИРМОНИНИНГ САЛМОҒИ 320 МИНГ 265 ТОННАГА ЕТДИ.

Самарқанд области, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг меҳнаткашлари йиғим-теримни жадал суръатларда олиб бормоқдалар.

4 ноябрга қадар пахта тайёрлаш планини Тошкент области 113,24, Бухоро области 107,38, Жиззах области 105,19, Сирдарё области 101,20, Қашқадарё области 97,77, Хоразм области 93,76, Наманган области 91,31, Фарғона области 88,72, Сурхондарё области 87,27, ҚҚАССР 84,01, Самарқанд области 80,66, Андижон области 80,34 процент бажарди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев социалистик мамлакатлар қардош партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг халқаро ва идеология масалаларига бағишланган кенгаши қатнашчиларини 4 ноябрь куни Кремлда қабул қилди.

Учрашув чоғида Л. И. Брежнев халқаро вазиятдаги кескинлик давом этаётганлиги муносабати билан социалистик мамлакатлар олдида турган проблемаларга тўхталиб ўтди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 4 ноябрда Монголия Халқ Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Пунцегийн Дэчинни қабул қилди.

Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда Ш. Р. Рашидов Пунцагийн Дэчинни, МХР Бош консулхонасининг ходимларини, Тошкент олий ўқув юртларида таълим олаётган ва консулхона округида яшаб турган барча монгол гражданларини Совет Россияси билан халқ Монголияси ўртасида дўстона муносабат ўрнатиш тўғрисидаги битим имзоланган кунинг 60 йиллиги билан самимий муборакбод этди.

ОСОБ-ЭНГЛОК ЭҲКИЛЕ

ОҚШОМ СУҲБАТЛАРИ

Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтида муҳим илмий-тадқиқот ишларини олиб борайётган олимлар меҳнат қилишяпти. Ижодкор педагог олимлар илмий-тадқиқот ишлари билан бир қаторда таълим-тарбия, одоб-ахлоқ мавзуида, инсоний фазилатлар ҳақида мақолалар ёзиб турадилар. Газетамизнинг анъанавий бугунги саҳифасида шу институт педагог-олимлари ижодидан намуналар билан танишасиз. Чунончи,

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Сарлавҳали мақолада болаларда юксак инсоний фазилат, хислатларни таркиб топтираётган ажойиб тарбиячи-педагоглар ҳақида ҳикоя қилинади. Мақола муаллифи шу институтнинг мактабгача тарбия ва бошланғич таълим бўлимининг мудири, педагогика фанлари кандидати Қумри Абдуллаевадир.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, СССР Педагогика Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, профессор Мурод Ҳамроевнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

КИЧКИНТОЙНИНГ КАТТА ОЛАМИ

Институт илмий ходими Шоиста Тошхўжаванинг мақоласида болаларда оламни билишга қизиқиш ҳисси қандай ўса бориши ҳақида сўз боради.

ШИРИН СЎЗ ҚУДРАТИ

Институт аспиранти Машрабхон Акрамованинг мақоласида ширин сўз қудрати ҳақида, муомала инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим омил эканлиги тўғрисида, бу хислатни болаларда ёшликдан бошлаб таркиб топтириш ота-оналар ва педагогларнинг муҳим вазифаси эканлиги тўғрисида фикр юритилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Шаҳар хўжалигини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича штабнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Г. М. Саркисов раислик қилди.

Район қозонхоналари ва иссиқлик тармоқларини совуқ кунларга тайёрлашнинг бориши ва аввалги штабда бириллган мулоҳазалар бўйича бажарилган конкрет ишлар ҳақида ахборот тингланди. Иш суръатли янада тезлаштиришга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиланди.

Шаҳар ободонлаштириш объектларининг қиш мавсумида нормал ишлашини таъминлашга қаратилган кўпгина ишлар қилинди. Қуйбишев шоссесининг Манжара кўчасидан М. Ашрафий кўчасигача бўлган участкасини фойдаланишга топшириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари муддатидан олдин якунланди. Генерал Петров кўчасида тўрт километрлик участка реконструкция қилинди. Капитал қурилиш бўйича йиллик план ошириб бажарилди.

Тежамкорлик бўйича ишлар самарали натижа берди, 4 минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси тежалди, 76 ёритиш объекти капитал ремонт қилинди. Инқилоб хиёбони, Ленин проспекти, ЦУМ, Б. Хмельницкий, Ш. Руставели кўчалари, Хадра майдони ва бошқа жойлардаги ер остипиёдалар ўтиш жойлари тартибга келтирилди. Шаҳардаги 145 та кўчанинг қатнов қисми, майдонларда умумий майдони 955 минг квадрат метр бўлган йўл усти копламаси капитал ремонтдан чиқарилди. Ихтисослашган йўл эксплуатацияси трестининг кучлари билан кўприклар ва йўл ўтказгичларда жорий ремонт ишлари бажарилди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш максадида йўлларнинг хавфли участкаларида кум тўлдирилган махсус контейнерлар ўрнатишга ҳозирлиқ кўриб қўйилди.

Ўтган йиллардаги тажриба хисобга олиниб, йўлларнинг қатнов қисми ва йўлкаларни кор ва муздан тозалаш, йиғиштириб олиш ва ташиб кетиш бўйича самарали технология ишлаб чиқилди.

Айни пайтда маълум ишлар бажарилган бўлса ҳам, қатор қуйи ташкилотлар ва район ободонлаштириш бошқармаларида қиш даврига тайёргарликка: йўл ва йўлкаларни ремонт қилиш, кичик архитектура элементларини сақлаш, майда ирригация тармоқларини тозалашга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Қурук қум, туз, курак ва махсус контейнерлар етарли даражада жамланилмаган. Собир Раҳимов, Ҳамза ва Акмал Икромов районлари графикдан орқада қоляпти. Куйбишев район ободонлаштириш бошқармаси ходимлари Содиқов, Чинобод кўчалари, М. Горький проспектини ремонт қилишни кечиктиришяпти.

Штаб аъзолари айрим сабабларни рўкач қилмай, аниқланган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш зарурлигини таъкидладилар.

Штаб ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Г. Халилов иштирок этди.

КПСС XXVI съездн тарихий қарорларини шараф билан амалга ошираётган СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи коллективи мамлакатимиз қишлоқ механизаторлари учун кўплаб трактор ва прицеплар ҳамда эҳтиёт қисм комплектларини тайёрлаб жўнатмоқда.

Ўнгдаги суратда янги тракторларни темирйўл платформаларига ортиш пайти.

* * *

Чапдаги суратда республика Модалар уйининг ишчан тикувчиси Осиё Нигматжоновани кўриб турибсиз.

М. Нурнддинов ва И. Шоиноғомов фотолари.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқига садоқат

ДЕҲҚОН БИЛАН БИР САФДА

«Госкомсельхозтехника»нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-ремонт механика заводи Ҳамза районидаги энг кекса ва илғор саноат корхоналаридандир. Бу корхона ўтган йили ўзининг олтин юбилейини нишонлади. Мана, 51 йилдирки, завод қишлоқ учун маҳсулот тайёрлаб, бутун фаолияти билан «Ўроқ ва Болға» иттифоқининг мустаҳкамланишига улуш қўшиб келяпти. Ремонтчилар коллективи қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича айниқса ўнинчи— ўн биринчи беш йилликлар мобайнида кўп ишлар қилди. Завод партия бюроси секретари Нурмат РАҲИМОВ билан қилган суҳбатимиз коллективнинг бу борада амалга ошираётган ишлари ҳамда қишлоқ буюртмаларини бажаришда кўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида борди.

— Заводимиз олдига қўйилган вазифаси жиҳатидан ҳам қишлоқ хўжалигига хизмат қилади. Биз трактор двигателларини ремонт қиляпмиз, ирригация ишлари учун мўлжалланган механизм ва ускуналар тайёрлаш билан шуғулланамиз. Корхонамиз коллективи, биринчи навбатда коммунистлар ва комсомоллар қишлоққа оталиқ ёрдамини кучайтиришга, «Ўроқ ва Болға» иттифоқини мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб келяптилар.

Ўнинчи беш йиллик бошида коллективимиз чорвачилик комплексларининг самарали ишлашига эришишнинг аҳолини гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан яхши таъминлашда жуда муҳим аҳамиятга эга эканини тушуниб, Тошкент область Оҳангарон районидаги, ўн минг бош қорамол ўстириладиган ва сўнгра боқиладиган «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» чорвачилик комплексини ўз оталигига олиб, бир қатор мажбуриятлар қабул қилганди. Бу мажбуриятлар муваффақиятли ado этилди. Хўжаликда технология линияларини ремонт қилувчи ва созловчи махсус устахона ташкил этдик. Устахона учун пармалаш, фрезерлик, токарлик станоклари етказиб бердик. Шунингдек, комплексга бир кеча-кундузда 100 тонна суспензия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган хлорелла етиштирувчи қурилмани барпо этиш ва монтаж қилишда ёрдам кўрсатдик.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» чорвачилик комплекси ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялаштирилган ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Коллективимиз кўп қиллар, конвейерлар, асбоб-ускуналар дамбадам ремонт талаб бўлиб туради. Шундай шароитда ҳам хўжалик комплексини ўз оталигига олиб, бир қатор мажбуриятлар қабул қилганди. Бу мажбуриятлар муваффақиятли ado этилди. Хўжаликда технология линияларини ремонт қилувчи ва созловчи махсус устахона ташкил этдик. Устахона учун пармалаш, фрезерлик, токарлик станоклари етказиб бердик. Битта тракторимиз баҳорда бир ой хўжалик далаларида ишлаб келди. Чорвачилик комплекси коллективи йилдан йилга ишлаб чиқаришни интенсивлаб, маҳсулот етиштириши кўпайтириб бораяпти, йиллик план ва мажбуриятларни ортиғи билан бажараяпти. Бу муваффақиятларда сўзсиз заводимиз меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Коллективимиз кўп йиллардан бери Жиззах область Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозга ҳам оталиқ қилиб келяпти. Ҳар йилнинг бошида корхонамиз вакиллари бу хўжаликда бўлиб, оталиқ ёрдами бўйича шартнома тузадилар. Ёрдамни шу шартномага асосан ташкил этамиз. Жумладан, бу йил баҳорда кўчма автоустахонамиз бир ой шу совхозда бўлиб, техника ремонтида механизаторларнинг оғирини енгил қилди. Бундан ташқари заводда совхознинг «АМ— 01» маркали двигателидан ўн иккитасини капитал ремонт қилиб бердик. 6 малакали ишчимиз совхозда 600 сўмлик ремонт ишларини бажардилар. Хўжаликда ҳозир ҳам битта кўчма устахонамиз бир ойдан бери ишлаяпти.

Шу кунларда хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқ одами бўлсин, ҳаммаларнинг ҳаёли пахтазорда. Бутун Ўзбекистон аҳолиси беполён пахтазорларда етиштирилган мўл-кўл «оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олишга шу кунинг энг муҳим вазифаси деб билади. Чунки пахта бизнинг иқтисодиётимиз, интернационал бойлигимиздир. Худди шунинг учун ҳам республика партия ва ҳукумати Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига Мурожаат қилиб, бутун куч ва имкониятларни далаларга ҳосилни тез ва соз йиғиб-терибгина олишга сарфлашга даъват этди.

«Вақт— ғанимат,— дейилади бу ҳужжатда.— Вазият шуни қатъий талаб қилмоқда: республиканинг барча меҳнаткашлари ҳосил тақдири учун масъулиятни деҳқонлар билан биргаликда ўз зиммаларига олишлари, пахтакорларга ёрдам беришлари керак...»

Заводимиз меҳнат аҳли бу даъватга «лаббай» деб жавоб берди. Мана йигирма беш кундирки, йигирма ишчи ва хизматчимиз Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида пахта терипти. Уларнинг шу кунгача терган «оқ олтин»лари 20 тоннадан ортиб кетди. Конструктор Г. Одобедски, автослесарь А. Саримсоқов, слесарь Б. Турсунов, инженер-конструктор Қ. Тожибоев каби ҳашаршчиларимиз ҳар куни хирмонга 70-80 килограммдан пахта тўкиб, барчага намуна бўлмоқдалар.

Айни пайтда корхонанинг цех ва участкаларида ҳам қишлоқ буюртмаларини тез ва соз бажариш учун ўзаро меҳнат беллашуви авжига чиқяпти. Машъал ишчиларимиз Андрей Полев, Юсуфжон Маҳмуджонов, Иван Зиков, Тоҳиржон Мирзаев «ўн бешлар ташаббуси»га қўшилиб, ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга сўз беришганди. Ҳозир уларнинг меҳнатлари ваъдаларига яраша бўляпти. Заводнинг бошқа ишчилари машъалларига тенглашишга ҳаракат қилишаяпти.

Икки йилдан бери корхонамизда «КУ — 02» маркали каноп ўриш комбайни ишлаб чиқарилаётганлиги ҳам муҳим янгиликдир. Илгари республикамизда бундай комбайн ишлаб чиқарилмаган. Янги машина каноп етиштирувчиларга ғоят маъқул бўлди. Икки йил мобайнида янги комбайндан юзтасини канопчиларга етказиб бердик.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи жамиятимиз тараққиёти, турмуш фаровонлигимиз ортишининг муҳим омилидир. Коллективимиз ўзининг фидокорона меҳнати билан бу иттифоқнинг мустаҳкамланишига ҳисса қўшишни энг муҳим вазифаси деб билади.

Суҳбатни **А. ЭГАМНАЗАРОВ** ёзиб олди.

Тонгги репортаж

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАРКАЗИ ЧОРЛАЙДИ

«Восток» кинотеатридан ўтгач, ўнгга бурилиб, 19 февраль кўчаси орқали асфальт-бетон заводининг собиқ территориясига кирдик. Кўз ўнгимизда чиройли бинолар комплекси пайдо бўлди. Унинг олд томони гулзор. Гулзорга ўнлаб сув пуркагичлар оби-ҳаёт зарраларини тўкмоқда.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трести касаба союз комитети раиси М. А. Раҳматов ҳамроҳлигида гулзор оралиғидаги йўлкадан ўтиб, асосий бинога яқинлашдик. Бўёқ ҳиди кетмаган янги бинонинг пештоқига «Гордорстройремонт» трестининг маданият ва саломатлик уйи» деб ёзиб қўйилибди.

— Биз ушбу масканни қисқагина қилиб «маданият ва саломатлик уйи» деб атаган бўлсак ҳам, у аслида комплекс объектлардан иборат, — деди М. А. Раҳматов ва бизни ичкарига бошлади.

Уч юз ўринли мажлислар зали ортиқча безаклардан ҳоли, лекин унинг баланд шифтига ўрнатилган учта катта чиройли қандил залга тантанаворлик бахш этган. Кенг саҳна эса бадиий ҳаваскорларнинг концертларини уюштириш, спектакллар намойиш этишга мўлжалланган. Саҳнанинг орқа томонидаги хонага дискотека аппаратлари ўрнатилади. Трест коллективи янги залда турли байрамларни нишонлайди, дам олиш кечаларини уюштиради. Бошқа пайтларда бадиий ҳаваскорлар ихтиёрига бериб қўйилади.

Мажлислар залидан чиқиб, спорт залига кирамиз. Унинг майдони 180 квадрат метрга яқин экан. Бу ерда волейбол, баскетбол, теннис мусобақалари ўтказилади. Ҳозир унинг ёнгинасида душхона ва «Сауна» типидаги ҳаммом қуриляпти. Ҳоҳловчилар эса усти ёпиқ, атрофи ойнаванд ҳовузда мириқиб чўмилишлари мумкин. Маданият ва саломатлик марказида ҳордиқ чиқараётган, спорт билан шуғулланаётган кишилар учун келгусида чойхона ҳам қуриб берилади. Комплекс биноларнинг орқа томони эса ҳозирча очиқ майдон. Бу ерда баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдончалари барпо этиляпти.

— Буларнинг барчаси ишчи ва хизматчиларимизнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этиш имконини беради, — дейди М. А. Раҳматов суҳбатни давом эттириб. — Биз трестимизда физкультура ва спортни ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқдик. Ишчиларимиз янги комплексда ГТО нормативларини топширишади. Саломатлик кунлари уюштирилади.

Чиндан ҳам бир ярим минг кишилик йўлсозлар коллективи Улуғ Октябрь байрами арафасида муносиб тухфа олишди. Ана шу тухфани улар ўз кучлари билан яратишди. Улар илгари атрофдаги хонадонларга чанг, қурум сочган асфальтбетон заводи шаҳар ташқарисига чиқарилгач, бу ерни ободонлаштиришни ўз зиммаларига олишди. Айни пайтда уни коллективнинг ҳордиқ марказига айлантиришди. Ана шу хайрли ишда ғайрат кўрсатган ўнлаб кишиларнинг номларини айтиш мумкин. Булар трест механизация бошқармаси бош инженери В. Тоғаев, 2-ремонт-қурилиш бошқармаси прораби В. Поздеев, ишчилар Қ. Юнусов, В. Ҳайдаров, В. Новиков, М. Гумерова ва бошқалардир.

КПСҚ аъзоси Маргуба Раҳимова бадиий буюмлар фабрикасининг илғор бригадасига бошчилик қилади. Унинг бригадаси доимо смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб келмоқда.
СУРАТДА: М. Раҳимова ва бригаданинг пешқадам ишчиси Х. Тўхтасиновалар иш устида.
Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

БУГУН

«Гордорстройремонт» трести маданият ва спорт марказининг очилиш маросими бўлади. Бу ерда трест коллективининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бағишланган тантанали кечаси уюштирилади.

М. МУРОДОВ.

•Умри боқий дўстлик

ҲИМОЛАЙ ОРҚАЛИ АЛОҚА

Кўп каналли бевосита алоқа дўст мамлакатлар— СССР билан Ҳиндистон пойтахтларини пухта боғлади. Линия ўта участкадан иборат: бири мамлакатимиз территорияси бўйлаб Москвадан Даңгара поселкасига қадар (Тожикистон ССР) боради: иккинчиси, Ҳиндистонда, Деҳлидан Чарари Шариф қишлоғи яқинидаги тропосфера станциясигача боради ва ниҳоят, махсус тузилган участка, линиянинг ўзига хос «ўзаги» — тропосфера участкасидир.

ТАСС мухбири Б. Гришченко алоқанинг шу принципиал янги бўғинини яратган кишилар— давлат радио илмий тадқиқот институти мутахассисларига мурожаат этиб, линия тўғрисида гапириб беришларини сўради.

Институт бошлиғи В. П. Минашин эслатиб ўтдики, 1977 йилда СССР ва Ҳиндистон ҳукуматлари иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш иштиёқига амал қилиб, икки мамлакат ўртасида бевосита алоқа линиялари ўтказилишига катта аҳамият бериб 12 телефон канали ситадигани шундай линия яратиш тўғрисида келишиб олгандилар.

Шу аҳдлашувдан олдин институтимизда атайлаб ишлаб чиқилган ва автомобилларга монтаж қилинган ускуналардан фойдаланган ҳолда ультра қисқа тўлқинларнинг ғоят олис тропосферада тарқалиши биргалашиб эксперименталтадқиқ этилганди. Натижада станциялари қуришга боп энг яхши майдонлар танлаб олинди.

Иккала томон линияни тезроқ ишга тушириш учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилди. СССРда линиянинг лойиҳаси ишлаб қиқилди. Тропосфера орқали алоқа боғлайдиган ДТР—12 типидаги радио электрон ускуна ясалиб, Ҳиндистонга юборилди, уни монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топширишда ҳам бизнинг мамлакатимиз техникавий кўмак берди.

Ҳиндистонлик мутахассислар эса ҳар бири 900 квадрат метрдан келадиган иккита антенна ясаб, СССРга юбордилар ҳамда уларни ўрнатишда ёрдам бердилар. Совет томонидаги қолган ҳамма иншоотлар СССРда, Ҳиндистон томонидагилари эса Ҳиндистонда барпо қилинди.

Институт лабораториясининг бошлиғи техника фанлари доктори А. С. Неировский тропосфера орқали алоқа линиясининг иш принципи тўғрисида гапириб берди: юбориш учун мўлжалланган информация радио сигнал частотасини модуллайди. Сўнгра сигнал ғоят юксак частота— 1000 мегагерц чамаси частота диапазонига айлантирилади, у кучайтирилади ва юборувчи антенна орқали тропосферага жўнатилади.

Бу жойда, бир неча километр баландликда ҳамиша турли жинслилик— булутлар, турлича температурадаги ҳаво қатлами ва ҳоказо бўлади. Ана шулар сигнали ҳамма томонга ёйиб юборади. Сигналнинг озгина қисми приёмник антеннасига тушади. Бу приёмникда тескари ўзгариш рўй беради: радио сигналдан юборилган хабар ажратиб олинади.

Қабул қилишда иш учун зарур сигнал меъёрини таъминлаш қийинчиликларини равшанроқ тасаввур этмоқ учун қабул қиладиган жойга юборилган сигналнинг назарга илмас даражада жуда оз қисмигина етиб боришини таъкидламоқ лозим: суратида бир рақами, махражида эса ёнида йигирма олтита ноли турган бир рақамли каср шу сигнал миқдорини кўрсатади.

Ғоят сифатли алоқа бўлишини таъминлаш учун ҳар бир станциянинг радиоэлектрон ускуналари юборувчи комплексдан иборат бўлиб, унга юбориш қуввати 10 киловаттга борадиган иккита радиопередатчик, қабул қилувчи ва юборувчи иккита антенна, ғоят сезгир ва ўнча шовқин чиқармайдиган кучайтиргичли қабул комплекси (бу кучайтиргичларнинг сезгирлиги масалан одатдаги радио приёмникларнинг сезгирлигидан ўнлаб марта юқори) ва сигналларнинг сўниб қолишига қарши курашувчи система киради. Бу система икки антенна ва икки передатчик орқали етказилган тўлқиндан, шунингдек махсус қурилган кўп частотали сигналдан фойдаланади.

Тропосфера алоқа ускуналари бир неча бинода жойлаштирилган. Шулардан бирида радиоэлектрон ускуналар, иккинчисида энергия хўжалиги, қолганларида эса ёрдамчи хизматлар жойлаштирилган.

Шундай қилиб, кўп каналли Москва — Деҳли бевосита линияси дўст мамлакат халқларининг фаровонлигига хизмат қила бошлади. Совет— Ҳиндистон ҳар томонлама ҳамкорлиги мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Янги «алоқа кўприги»нинг юксак техник имкониятлари бунга ёрдам беради: линиянинг телефон каналлари телеграф ва телекс билан тиғиз лаштирилиши мумкин.

(ТАСС).

Тонгги репортаж

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАРКАЗИ ЧОРЛАЙДИ

«Восток» кинотеатридан ўтгач, ўнгга бурилиб, 19 февраль кўчаси орқали асфальт-бетон заводининг собиқ территориясига кирдик. Кўз ўнгимизда чиройли бинолар комплекси пайдо бўлди. Унинг олд томони гулзор. Гулзорга ўнлаб сув пуркагичлар оби-ҳаёт зарраларини тўкмоқда.

Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Гордорстройремонт» трести касаба союз комитети раиси М. А. Раҳматов ҳамроҳлигида гулзор оралиғидаги йўлкадан ўтиб, асосий бинога яқинлашдик. Бўёқ ҳиди кетмаган янги бинонинг пештоқига «Гордорстройремонт» трестининг маданият ва саломатлик уйи» деб ёзиб қўйилибди.

— Биз ушбу масканни қисқагина қилиб «маданият ва саломатлик уйи» деб атаган бўлсак ҳам, у аслида комплекс объектлардан иборат, — деди М. А. Раҳматов ва бизни ичкарига бошлади.

Уч юз ўринли мажлислар зали ортиқча безаклардан ҳоли, лекин унинг баланд шифтига ўрнатилган учта катта чиройли қандил залга тантанаворлик бахш этган. Кенг саҳна эса бадиий ҳаваскорларнинг концертларини уюштириш, спектакллар намойиш этишга мўлжалланган. Саҳнанинг орқа томонидаги хонага дискотека аппаратлари ўрнатилади. Трест коллективи янги залда турли байрамларни нишонлайди, дам олиш кечаларини уюштиради. Бошқа пайтларда бадиий ҳаваскорлар ихтиёрига бериб қўйилади.

Мажлислар залидан чиқиб, спорт залига кирамиз. Унинг майдони 180 квадрат метрга яқин экан. Бу ерда волейбол, баскетбол, теннис мусобақалари ўтказилади. Ҳозир унинг ёнгинасида душхона ва «Сауна» типидаги ҳаммом қуриляпти. Ҳоҳловчилар эса усти ёпиқ, атрофи ойнаванд ҳовузда мириқиб чўмилишлари мумкин. Маданият ва саломатлик марказида ҳордиқ чиқараётган, спорт билан шуғулланаётган кишилар учун келгусида чойхона ҳам қуриб берилади. Комплекс биноларнинг орқа томони эса ҳозирча очиқ майдон. Бу ерда баскетбол, волейбол, қўл тўпи майдончалари барпо этиляпти.

— Буларнинг барчаси ишчи ва хизматчиларимизнинг бўш вақтларини кўнгилли ташкил этиш имконини беради, — дейди М. А. Раҳматов суҳбатни давом эттириб. — Биз трестимизда физкультура ва спортни ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқдик. Ишчиларимиз янги комплексда ГТО нормативларини топширишади. Саломатлик кунлари уюштирилади.

Чиндан ҳам бир ярим минг кишилик йўлсозлар коллективи Улуғ Октябрь байрами арафасида муносиб тухфа олишди. Ана шу тухфани улар ўз кучлари билан яратишди. Улар илгари атрофдаги хонадонларга чанг, қурум сочган асфальтбетон заводи шаҳар ташқарисига чиқарилгач, бу ерни ободонлаштиришни ўз зиммаларига олишди. Айни пайтда уни коллективнинг ҳордиқ марказига айлантиришди. Ана шу хайрли ишда ғайрат кўрсатган ўнлаб кишиларнинг номларини айтиш мумкин. Булар трест механизация бошқармаси бош инженери В. Тоғаев, 2-ремонт-қурилиш бошқармаси прораби В. Поздеев, ишчилар Қ. Юнусов, В. Ҳайдаров, В. Новиков, М. Гумерова ва бошқалардир.

БУГУН

«Гордорстройремонт» трести маданият ва спорт марказининг очилиш маросими бўлади. Бу ерда трест коллективининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бағишланган тантанали кечаси уюштирилади.

М. МУРОДОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КАТТА ЁРДАМ

ХАНОЙ. Вьетнам информация агентлиги ВИА нинг шарҳида бундай дейилади: Совет Иттифоқи ўз малакали кадрларини тайёрлашда Вьетнам Социалистик Республикасига катта ёрдам бермоқда.

СССР 1954 йилдан буён етмишдан кўпроқ турли касб бўйича ҳунар билим юртлари малакали ишчилари ва ўқитувчиларидан 27.600 кишини тайёрлашда Вьетнамга ёрдам берди.

Ҳунар-техника билим юртлари ва техникумларни ташкил этишда Совет Иттифоқи етакчи роль ўйнамоқда. Бу билим юртлари ва техникумларда ўн минг студент таълим олмоқда.

Вьетнамда кўплаб совет ўқитувчилари ишламоқда. Уларни кўпгина институтларда, билим юртларида, техникумларда, шунингдек техникумларнинг ўқитувчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш махсус мактабларида учратиш мумкин.

ПИОНЕРЛАР УЧУН САРОЙ

УЛАН-БАТОР. Бу ердаги «Дўстлик» болалар ва ёшлар марказий маданият ва истироҳат боғида монгол пионерлари саройини қуришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу саройда 750 ўринли зал, секциялар ва тўгараклар учун кўплаб хоналар, кўргазма зали бўлади.

Монголия Ревсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Л. Тудэв ўз нутқида пионерлар саройининг қурилиши-мамлакат партия ва ҳукуматининг ёш авлод тўғрисида қилаётган ғамхўрликни кўрсатувчи яққол мисол эканлигини таъкидлади.

ШОНЛИ САНА

САНО. СССР билан Яман ўртасида дўстлик ва савдо тўғрисидаги биринчи шартнома имзоланган кунга 53 йил тўлди. 20 — йилларнинг охирида бу мамлакат мустақиллик учун, мустамлакачиларнинг зўравонлигига қарши огир кураш олиб бораётган бир пайтда ёш Совет Республикаси унга дўстона ёрдам қўлини узатди. Шартномага мувофиқ СССР Яманга янги зарур моллар ва асбоб-ускуналар ва етказиб берди, аҳолига медицина ёрдами бериш учун врачлар юборди. Шартнома Яманнинг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди, унинг иқтисодий аҳволини яхшилашга кўмаклашди.

ЯНГИ ТИПДАГИ ТЕЛЕФОН

ПРАГА. Шарқий Чехословакиянинг Стропков шаҳридаги «Тесла» телефон заводида анъанавий дискли телефон ўрнига рақамларнинг кнопкали тўплами бўлган янги типдаги телефон аппаратлари кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Ана шу аппаратларнинг дастлабки туркуми мамлакат ичидаги буюртмачиларга ва чет мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқига жўнатилди. Бу аппаратлар абонентларни улаш тезлигини ўрта ҳисобда 5 баравар оширади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида медицина ходимлари жамиятининг таъсис конгресси бўлиб ўтди. Бу конгресс врачлар, олимлар ва медицина ходимларини ягона ташкилотга бирлаштириши лозим. Афғонистон соғлиқни сақлаш системасининг юзлаб вакиллари бугунги кунда медицина соҳасида мамлакат олдида турган муҳим проблемаларни муҳокама қилиш, шу проблемаларни ҳал этиш истиқболларини белгилаб олиш учун Кобулга келдилар.

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал конгресс қатнашчиларига табрикнома йўллади. Афғонистон меҳнаткашлар оммасининг соғлиғини сақлаш, деб таъкидланади табрикномада. АХДП ўртага қўйган асосий вазифалардан биридир.

Конгресс иштирокчилари жамият уставини тасдиқладилар, марказий кенгашни, шунингдек ижроия комитетини сайладилар. Муҳаммад Юсуф Хома бир овоздан ижроия комитетнинг раиси қилиб сайланди.

* * *

АЛ-ЖАЗОИР. Жазоирда амалга ошириладиган ер ислоҳоти доирасида кенг деҳқонлар оммасини ер билан таъминлашга ва уларни кооперативлаштиришга муҳим ўрин ажратилмоқда. «Ал— мужаҳид» газетасининг хабар беришича, Жижилли вилоятининг ўзидагина 20 минг гектар ер деҳқонларга тақсимлаб берилган. Бир ярим мингдан кўпроқ оила ер олган. Булардан 1000 дан кўпроқ оила қишлоқ хўжалик кооперативларига аъзо бўлиб кирган.

Давлат кооператив хўжаликларига актив кўмаклашмоқда. Улар учун намунали қишлоқ хўжалик қишлоқлари барпо этилмоқда. Бу қишлоқларда шинам уйлардан ташқари мактаблар, поликлиникалар, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари кўрилмоқда. Ҳозиргача 300 та ана шундай посёлка қурилди.

* * *

ДЕҲЛИ. Кучли қурғоқчилик Ҳиндистоннинг Химачал— Прадеш ва Ражастхан штатларида кескин сув тақчиллигини вужудга келтирди ва қишлоқ хўжалик экиларининг ҳосилига катта зарар етказди. Табиий офат келтирган зарарнинг умумий ҳажми бир неча юз миллион рупияга боради.

Ҳиндистон ҳукумати қурғоқчилик оқибатларини тугатиш учун кўплаб маблағ ажратмоқда. Озиқ-овқат жиҳатидан ёрдам бериш учунгина, деди Ражастхан ҳукуматининг бош министри Чаран Матхур, 800 миллион рупия ажратилади.

* * *

АНҚАРА. Туркияда сариғ ёғ, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари нархи оширилди. Бундан аввал қанд, нон ва бир қанча асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи оширилгани эди. Экономистларнинг ҳисоб-китоблашларига кўра, 1981 йилда мамлакатда қимматчилик 40 процентдан зиёд ошади.

ИҒВОГАРЛИК МАШМАШАСИ

ГАВАНА. Қўшма Штатлар Кариб ҳавзасидаги хатарли иғвогарлик машмашасини кучайтирмоқда. АҚШ давлат секретари Хейг Америка қитъасидаги биринчи социалистик давлатга қарши душманлик кампаниясини кучайтиришга ундади. Ташқи сиёсат маҳкамасининг раҳбари давлат департаментида сўзлаган нутқида тинч бунёдкорлик меҳнати билан машғул бўлган Озодлик оролига қутуриб туҳмат ёғдирди. Хейг ғўё кубаликлар ғарбий ярим шарда интервенциячилик мақсадида қўпорувчилик ва террорчилик фаолиятини кучайтирмоқдалар, асоссиз айбларни қўйиб, АҚШнинг Кубага, Никарагуага, Гренадаги ва бошқа бир қанча мамлакатлар қарши қўпорувчилик ҳаракатларини ниқоблашга уринди.

Давлат секретари Вашингтоннинг Кубага нисбатан тутаётган йўли яқиндагина қайта кўриб чиқилди, деб пўписа қилиб гапирди. Чамаси мана шу янги йўл асосида ҳозирнинг ўзидаёқ оролга қарши радио пропагандаси кучайтирилди.

АҚШ юстиция министрлиги аслида Флорида штатидаги махсус лагерларда Кубага ва Никарагуага бостириб кириш учун кубалик ва никарагуалик контрреволюцион муртадларни тайёрлашга «ижозат» берди.

Америка империализми ўзининг «ички қўли» бўлган Кариб денгизида АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг зарбдор қўшилмалари доимо изғиб юрибди.

Вашингтон ўзининг агрессив режаларига биноан энг реакцион американараст режимлар— Сальвадор, Гватемала ва Гондурасдан иборат ҳарбий блок тузмоқда, Лотин Америкасида озодлик ва ҳақиқий мустақиллик учун кенгайиб бораётган ҳаракатга қарши курашиш учун ўз қўғирчоқларига тобора кўп қурол-яроғ юбормоқда. Шу ишларнинг ҳаммаси «Куба томонидан чиқаётган хавф-хатарни қайтариш» зарур, деган ёлғон баҳона ниқоби остида қилинмоқда.

Лотин Америкасига ҳақиқатан ҳам ташқаридан хавф солинмоқда, аммо бу хавф Қўшма Штатларнинг ўзидан чиқмоқда, деб уқтиради шу муносабат билан Кубадаги «Хувентуд ребельде» газетаси. Шу мамлакатнинг Лотин Америкаси халқларига нисбатан ва дўк-пўписа қилишга, эксплуатацияга, халқаро ҳуқуқнинг энг оддий принципларини қўпол оёқ остиқилишга асосланган.

Қўшма Штатларнинг кирдикорлари орасида Кубага, Доминикана республикасига, Гаити, Никарагуага қарши қилинган қуролли интервенцияларни, Пуэрто— Рико мустамлакачилик усулида оккупация қилиб турилганини кўрсатиш мумкин.

Давлат секретари Хейг АҚШ «Кубага қарши ҳаракат қилиш» ниятида эканини айтиб, буни мамлакатимизга нисбатан янги сиёсат деб атамоқда, деб ёзади газета. Хўш, қандай «янги» сиёсат тўғрисида гап бораяпти? Қамал қилиш, иқтисодий, дипломатик ва қуролли агрессия бошлаш тўғрисидами?

Аммо империалистлар бизни тиз чўктира олмайдилар, деб таъкидлайди газета.

ХУНТАНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ

САН-ХОСЕ. Сальвадор хунтасининг каллакесарлари Лемпа дарёси районларининг бирида 132 нафар деҳқондан «Вьетнам сонгмиси» қабилида ўч олди. Сан-Салвадор архиепископи Артуро Ривера-И-Дамас журналистларга айтдики, жазо операцияси давомида қуролсиз қариялар, хотин-қизлар ва болалар совуққонлик билан отиб ташланган. Мудофаа министрлиги жиноят изларини яшириш ниятида, сохтакорлик қилди ва мана шу қурбонларни ғўё жанг ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлган партизанлар, деб кўрсатди.

Архиепископнинг сўзларига кўра, бундан ташқари ўтган ҳафта мобайнида ватанпарварлардан яна 74 киши ўнлаб террорнинг қурбонлари бўлишган. Мамлакатнинг бир қанча департаментларида ана шу кишиларнинг қийноқлардан тилкапора қилинган жасадлари топилди.

Деҳқонларни кўплаб ўлдириш, Лемпа дарёси атрофини бомбардимон қилиш мамлакат шарқидаги шу районни партизанлардан «тозалаш»га уринган Сальвадор ҳарбийларига исталган натижа бермади. Американинг ҳарбий маслаҳатчилари ва «Яшил қалпоқли» каллакесарлари ўқитиб ўргатган қотилларнинг отрядлари ўлдирилган ўнлаб солдатларидан маҳрум бўлиб ўлдирилар. Фарабундо Марти номли Миллий Озодлик Фронтининг жангчилари Сан-Сальвадордан 40 километр наридаги Гуасапа вулқони районида ҳарбий соқчиларга ҳам ҳужум қилдилар. Партизанларнинг бошқа отряди пойтахтни Текситепеке шаҳри билан боғловчи тош йўлни кесиб қўйди.



«Европа қитъаси Америка ҳарбийларининг қурбонига айланиши мумкин бўлган асосий, лекин ягона район эмас. Вашингтон маъмуриятининг баёнотига қараганда нейтрон қуролидан дунёнинг ҳамма ерида фойдаланади».
(Газеталардан).
Океан ортн «зўравон»нинг «нейтрон» дағдағалари.
Расм «Ойленшпигель» журналидан олинган.
ТАСС фотохроникаси.

ҚАРДОШЛИК ТАЖРИБАСИ

БУДАПЕШТ. Цегледда Венгрия — Совет дўстлиги номли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативида теплицаларни иситиш учун қилинадиган ҳаражатлар қарийб учдан бир баравар камайтирилди. Бу— ерости иссиқ сувлари энергиясидан фойдаланиш натижасидир.

Мутахассислар ер ости иссиқ сув манбаларига мурожаат қилганликлари бежиз эмас. Венгрияда ерости иссиқ сувларининг запаси 500 миллиард кубометрга бориб қолади. Республикада 500 дан кўпроқ манбалар бор. Бу манбалардаги сув ҳарорати 35 градусдан ошади.

Ҳозир ерости иссиқ сувларининг энергиясидан қишлоқ хўжалигида, аввало боғдорчилик ва полизчиликда кенг фойдаланилмоқмоқда. Ҳозирги вақтда теплицаларнинг 80 процентй ерости иссиқ сувларининг энергияси ҳисобига иситилмоқда. Иссиқ манбаларининг суви чорвачилик фермаларини иситиш учун ҳам қўлланилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалик кооперативларига ва давлат хўжаликларига ҳар йили салкам 50 минг тонна нефтни тежаш имконини беради.

ҲАҚИҚИЙ ЎҚИТУВЧИДА АВВАЛО МАЙЛ ВА ИСТЕЪДОД, РАҒБАТ ВА ҲАВАС БЎЛИШИ ЛОЗИМ. УНИНГ ФИКР-ЁДИ, ЗАВҚ-ШАВҚИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ УСТИДА БЎЛГАН ҲОЛДАГИНА КУТИЛГАН САМАРАЛАР БЕРАДИ. ЎҚИТУВЧИ УЗИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ, ИЧКИ ДУНЁСИ, МАДАНИЯТИ, ЭЪТИБОРИ БИЛАН ЎЗ МУҲИТИДА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК.

Тошмуҳаммад ҚОРИ-НИЁЗИЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари

№ 22

ЗИЁ МАСКАНИ

БЕШЁҒОЧДА, Комсомол кўли ёнида чиройли нақшли бир бино бор. Эрта тонгдан унинг кошинларида қуёш нури жилва қилади. Бу ерда ўқитувчиларнинг ўқитувчилари, педагог-олимлар, таълим-тарбия мураббийлари, педагогика бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган илмий ходимлар ишлашади. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтида филология ва педагогика фанлари докторлари, педагогика ва психология фанлари кандидатлари, олим-педагоглар, моҳир ўқитувчилар, ажойиб методистлар, аспирантлар, кўп сонли илмий мухбирлар педагогика, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия масалалари бўйича илмий текшириш ишлари олиб борадилар.

Институтда ўн беш бўлим ва сектор бор. Ижодий ходимлар дарсликлар яратишади, программалар ишлаб чиқишади, методик қўлланмалар ижод қилишади, ўқитувчиларга тавсиялар тайёрлашади. Институт директори, СССР Педагогика Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Мурод Ҳамроев, педагогика фанлари доктори Асқар Зуннунов, филология фанлари кандидати Абдулла Суюмов, педагогика фанлари кандидатлари Қумрихон Абдуллаева, Абдуғани Абдурахмонов, Акбар Алиев, психология фанлари кандидати Эргаш Ғозиев ва бошқа кўплаб педагог-олимлар республикамизда таълим-тарбия, ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаш ва ривожлантиришга ўзларининг ижодий меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Зиё масканида аспирантура ташкил этилган. Бу аспирантурада педагогик илм билан шуғулланувчи ўқитувчи-олимлар таҳсил олишади. Шунингдек, институтнинг кўп сонли илмий мухбирлари илмий текшириш ишларини олиб боришади ва методик қўлланмаларни мактабларда амалий қўллашади.

Педагог-олимлар республикамиздаги кўплаб мактабларда педагогик ва методик ишлар олиб боришади. Институт илмий ходимлари шаҳримиздаги таянч мактаблари — 9, 115, 246-мактабларда ва 74-болалар боғчасида доимий равишда илмий текшириш ўтказишади.

Ижодкор педагог-олимларимиз илмий-тадқиқот ишлари билан бирга таълим-тарбия, ахлоқ-одоб мавзуида, қатор инсоний фазилатлар ҳақида мақолалар ёзадилар. Азиз оқшомхонларимиз бугунги «Одоб-ахлоқ ҳақида оқшом суҳбатлари» саҳифасида шу институтнинг педагог-олимлари ижодларидан намуналар билан танишадилар.

«ИНСОН—ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг директори, СССР Педагогика Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, профессор Мурод ҲАМРОЕВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Онлада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. «Инсон номи улуғвор жаранглайди», — деб таъриф этган донолар. Ана шу таъриф ва тавсифга лойиқ одамларни мен ҳақиқий инсонлар деб биламан ва уларни дилдан ҳурмат қиламан.

Инсонийлик нима? Инсонийлик ҳамиша яхшиликларга интилиш, хайрли ишларга кўл уриш, яхшилардан ибрат олиш, инсон деган номга лойиқ бўлишдир.

Кишиларга муносабат, муравватли бўлиш, ўзгалар қувончи билан қувониш, ташвишга бефарқ қарамаслик каби фазилатларнинг бари инсонийлик деб ҳисоблайман.

Тўғри, инсондаги ҳис-туйғу, дунёқараш, атроф-муҳит одамларга муносабатни бир хил бўлади деб айтиш мумкин эмас. Бўлолмайди ҳам. Сабаби унинг вояга етишига таъсир кўрсатган муҳит, шароит, касб-кори, оиласидаги муносабатларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Лекин у ким бўлмасин, қаерда ишламасин, қандай мансабда бўлмасин, одамлар орасида, жамиятимизнинг муносиб аъзоси эканлигини, энг муҳими инсон эканлигини унутмаслиги керак!

Ҳа, ҳар дилнинг ўз нозик тори бор. Биров ўта шафқатли, оқ кўнгил, биров унинг акси — тош бағир ва қаттиққўл, қўпол, яна бировлар беғам, беташвиш, ўз манфаатини ўйлайдилар, холос.

Хўш, яшашдан мақсад нима? Инсон ўз атрофидаги воқеалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини онгли англай олса, улардан тегишли хулоса чиқара олса, узоқни оқилона кўра билса — шуларнинг бари яшашдан мақсад эмасми?

Инсондаги бу психологик ҳолатларнинг пайдо бўлишида атрофдагиларнинг ижобий ёки салбий характеридаги хатти-ҳаракатларнинг таъсири бўлиши табиий ҳол. Мен педагог бўлганим учун ҳам инсон ҳаётининг ана шу мураккаб томонларига алоҳида эътибор бераман.

Табиат ҳамма инсонларга инъом этган фазилатлар жуда кўп. Лекин уни ҳар ким ўз жисмида мужассамлаштира оладими? Бу саволга атрофлича жавоб бериш анча мушкул! Сабаби инсон жисмидаги ҳис-туйғу, ҳолатлар атроф-муҳит таъсири билан турлича бўлиши мумкин. Лекин инсон ҳар ишда ўз-ўзига ҳисоб бериб, ўзини бошқара билиши, қийин пайтларда ақл-фаросат билан тўсиқларни енгиши лозим. Ҳаётда йўл қўйилган хатоларни ўзича сеза билиши бу яхши хислат! Аммо инкор этиш ёмон...

Мен дўст-биродарлари кўп инсонларни жуда ҳурмат киламан. Бундай инсонларнинг бағри кенг, қалби ҳудди бог-бўстондек обод бўлиб туюлади менга. Дўстлик бор ерда иш унуми мўл бўлади. Яхши муносабат эса, янги зафарларга чорлайди.

2. Ҳаётимда кўп инсонлар билан муомала, муносабатда бўлдим. Менга булар катта ҳаёт тажрибаси мактаби бўлди. Мен носамимий инсонларни ёқтирмайман, очиғи уларни кўргани кўзим йўқ. Маълумки, ҳамма ёмон иллат самимиятсизликдан келиб чиқади. Дилида бошқа фикр-у, тилида бошқа гап, кўзга қараб товламачилик қиладиган инсонларга муросасизман.

Илмда ҳикмат кўп. Фикр, тафаккур инсоннинг шарофатли бўлишига ундайди. Бу ҳақда фозиллар айтади:

Ақлдек зебо сифатни кўрди ҳақ инсонга эб,
Оқил инсонлар билан берди жаҳон-оламга зеб.

Ҳа, оқил инсон ўз илмита амал қилади. Бошқаларни ҳам ундан мунаввар этади. Ҳар қалбга яхшилик уругини сепиб, ундан ҳосил кутади. Маънавий буюклик инсон умрини боқий этади. Бундай инсонларга келажак кулиб боқиши табиий. Мен ана шундай олижаноб инсонларни ёқтираман.

3. Ёшлик йилларим анча қийинчиликда ўтди. Оилада олти фарзанд ўсдик. Отам насиҳатлари ҳали-ҳали ёдимда: «Аввало одамий бўл, шунда ҳаётда қоқилмайсан, эъзозланасан», — дердилар. Тўғри фарзанд бўлганим учун оила ташвишларини онам билан бирга тортдим. Балки шу чиниқиш мактаби менинг машаққатли илм сўқмоқларидан дадил ўтишимга ёрдам бергандир...

Ҳаётимда жуда кўп оқилу фозиллар билан ҳамсуҳбат бўлдим, дўстлашдим. Улардан нафақат илм сирларини ўргандим, балки ҳаёт йўлим учун яхши сабоқ ҳам олдим. Мен учун бу дамлар энг унутилмас, энг қувончли дамлардир.

Айни қунда ёш авлодга зиё тарқатишдек масъулиятли иш билан шуғулланаётган катта, аҳил коллектив билан меҳнат қилаётганимдан беҳад хурсандман ва бахтиёрман. Шу бахтиёрлик менга доимо янги куч, ғайрат, шижоат бермоқда.

Кўз олдимизда ажойиб ёшлар камол топмоқда. Инсон учун буларни кўриб, қувонишдан ортик бахт бўлашми ахир!

4. Эътиқодли бўлиш — инсон ҳаётининг ҳар томондан мукаммал, серқирра бўлишини таъмин этувчи воситадир. Ҳаётимда ўта эътиқодли, шунингдек, эътиқодсиз одамларни учратдим. Ҳар икки тоифадаги одамларни, бир-бирларига таққослашнинг ҳожати йўқ деб биламан. Чунки улар орасида ер билан осмонча фарқ борлигининг ўзи, менга доимо эътиқод масаласига эътиқод билан қарашга ўргатди.

5. Оила инсон ҳаёти, фаолиятини изга солувчи масканди р. Фарзандлар кўз ўнгида ота-онанинг сифат намунаси тарбиянинг бош мезонидир. Дилни-дилга пайванд этган азиз фарзандларим кўплар қатори яхши инсонлар бўлиб улгайишида коллектив катта куч эканлигини алоҳида таъкидлайман.

6. Ёшликдан китоб севимли ҳамроҳим бўлди, бундан кейин ҳам ҳудди шундай бўлиб қолади. Китоблар сеҳри илм пилапоя-ларидан кўтарилишимга ёруғ нур сочгани учун ҳам унга қаттиқ боғланганман.

Бўш вақтимда сайр этишни одат қилганман. Болалигимдан яшил бўёқларни севардим. Ҳозиргача табиатдаги яшил ранглар мени ўзига ром этади, ҳордиқ беради, ижодга ундайди.

Сила қаврасида

КИЧКИНТОЙНИНГ КАТТА ОЛАМИ

Болаларда нарса ва воқеаларга қизиқиш жуда эрта бошланади. Атроф-муҳитнинг таъсирида дастлабки сўзларни талаффуз этади. Секин-аста гапиришни ўрганади. Нарсаларга интилади, воқеа-ҳодисаларни кузатади. Таппиниб, улардан таъсирланади.

Бола уч-тўрт ёшда нарса ва воқеалар ҳақида катталарга саволлар бера бошлайди. «Нега-ҳаво булут бўлади?», «Нима учун ёмғир ёғади?», «Нега сув музлайди?» кабилар уни қизиқтиради. Бола бу саволларга ишонарли жавоб кутади. Жавобларни эшитиб, яна унда янгиянги саволлар туғилади.

Шундай қилиб, боладаги оламни билишга қизиқиш ҳисси ўса боради. Бу ҳол унинг фикрлаш доирасининг яхши тараққий этаётганлигидан, тани соғ, хотираси ёрқинлашаётганлигидан далолат беради.

Боланинг ички дунёси ташқаридаги таъсир билан уйғунлашади. У ҳамма нарсанинг туб моҳиятига етиш тушунчасига эга бўлмаса, ҳам, элементар нарсаларни ўзича таҳлил қилади, таққослайди, маълум хулосаларга ҳам келади. Бу ҳол ҳамма болаларда бўлавермайди. Бола хусусиятига тааллуқли бўлган бу ҳолатлар аксарияти болаларда яширин ўтади. Улар билишни хоҳласалар ҳам сўраб, ўрганишдан тортиниб, бора-бора пассив болаларга айланиб қоладилар.

Ҳакима опа болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайдилар. Кўп йилги иш фаолиятларида турли болалар билан муомала, муносабат қилишга, уларнинг ички дунёсини ўрганишга тўғри келганини бир суҳбатларида шундай ҳикоя қилиб бердилар:

—Бола эсини таниб бошлаганиданоқ нарсаларга, воқеа-ҳодисаларга асло бефарқ қарай олмайди, группамда Лола исмли қиз бир куни менга:

— Опа нега оймома битта, юлдузлар жуда кўп? — деб савол берди. Қизчанинг саволига кейинроқ жавоб бермоқчи бўлдим, Лола эртаси куни келиб:

— Опа билдим, оймома юлдузлар онаси экан,— деди.

Ўйлаб кетдим. Инсон қанчалик тафаккур қилишга қодир-а! Кичкинагина қизчанинг бир неча кун шу саволга жавоб излаб юргани, билишга, ўрганишга бўлган қизиқишига, ушбу ёшлигига ҳайрон қолдим. Тўғриси, шу куни Лолининг саволига адабиётлар титиб жавоб излаганим сир эмас. Қизчага оймоманинг нималигини тушунтириб беришим керак эди.

Дарҳақиқат, болаларнинг руҳий кечинмаларини билиш, ривожлантириш учун уларнинг фақат саволлар беришини кутмай, балки унга тез-тез саволлар билан мурожаат этиш, фикрлашга, изланишга, мушоҳада қилиб жавоб қайтаришга ўргатиш педагогикада алоҳида аҳамиятга эгадир.

«... Дастлабки тафаккур дарслари синфда, синф доскаси олдида эмас, балки табиат қўйнида бўлмоғи керак...» деб ўқитирган эди ўз асарларида А. В. Сухомлинский. Бу ўгит фақат ўқитувчи, тарбиячиларга тааллуқли бўлмай, ота-оналар эътибори учун ҳам инҳоятда зарурдир.

Маълумки, бизнинг гўзал ўлкамизда қуёшли, очиқ ҳаволи кунлар кўп бўлади. Боланинг табиат қўйнида бўлишини, ундан завқ олишини таъмин этиш жуда фойдалидир. Бунинг боиси шуки, болага турли-турли нарсалар, воқеа ёки ҳодисалар ҳақида қуруқ гапириб бергандан кўра, ўзини шу нарсаларга яқинлаштириш, кўриб, сезиб, эшитиб ишонишга, улардан таъсирланиб, сабаб ва моҳиятини сўрашга ўргатиш маъқул.

Баъзи болалар актив эмас, дед ўқитувчи-тарбиячилар нолийдилар. Бу ҳолнинг содир бўлишида ота-оналар кўпинча болалар билан яқин гаплашмайдилар, унинг кўнглидагиларни сезмайдилар. Масалан, қиз болаларнинг олам ҳақидаги қизиқишлари, саволлари ўғил болалар берадиган саволлардан тубдан фарқ қилади. Қизлар кўпинча уй-рўзғор ишлари, табиат, қушлар, ҳашаротлар ҳаёти ҳақида қизиқиб сўрайдилар. Ўғил болалар эса транспорт, спорт, космос, қаҳрамонлар ҳаётига доир масалалар ҳақида билгилари келади. Баҳодир каникулда аввал ракета, сўнг кема ясади. Ишлари ўнгидан келмади. Ҳар иккиси ҳам унча ўхшамади. Отаси уни кўриб:

— Болакай, нима қилардинг уриниб, бор буларни ахлатга ташла деб жеркиди.

Боланинг қалбига бунчалик озор бериш ярамайди. Унинг ҳар бир ишини қўллаб-қувватлаш керак. Умидсизлик, парокандалик ана шундай беэътиборликдан келиб чиқади. Ўқитувчи «Табиат ва меҳнат» календарини кузатар экан, Обидга:

— Нега бу бўлимларни тўлдирмадинг деб сўради.

—Оймларга термометр олиб бериб берсам, уришиб бердилар, — деди хўрсиниб Обид.

Болалар жуда сезгир бўладилар. Катталарнинг ҳамма хатти-ҳаракатлари, фаолиятларини кузатадилар, уларга тақлид қилишга уринадилар.

Айтайлик, умрида қўлига китоб олиб мутолаа қилмайдиган ота-онанинг фарзандига ўқитувчи «китоб ўқи!» деб таъкидлайверганн билан у китобхон бўлиб қолади деб ишониш қийин бўлишини, болада таклид қилиш хусусияти борлигини эслатиш ўринлидир. Ёки гуллар ва ўсимликлар парваришини билан шуғулланмайдиган ота-онанинг фарзандига: «Гул ўстир, гулни сев!» десак қилади-ку аммо бу ишни ўрнига қўя олмайди.

Боланинг ҳамма фаолиятида ота-онанинг раҳбарлиги, тўғрироғи ибрат намунаси жуда муҳимдир.

Олам ажойиботларини болага дастлаб ота-она ўргатади. Сўнг бу ишни мактаб давом эттиради. Бола билан тез-тез сайру саёҳат қилиш, уларга фан-техника янгиликларини, космос сирларини космонавтларнинг жасоратини, об-ҳаво, ҳосил, чет элдаги ҳаёт, дўстлик, биродарлик ҳақида сўзлаб бериш фойдали бўлибгина қолмай, балки зарурий шартдир.

Шоиста ТОШХЎЖАЕВА,
илмий ходим.

Ишхона — иккинчи уйимиз

МУҚАДДАС ДАРГОҲ

ФАРЗАНД тарбияси бир неча босқичларга бўлинади. Дастлаб улар оила қўйнида тетапоя юриб, ширинтой бўлиб гапиришни, одат-малакаларни эгалласалар, иккинчи босқичда мактаб ҳаётидаги даврни бошдан кечирадилар. Болага мактабда энг яқин киши ўқитувчидир.

Ўқитувчи! Бу сўзни эшитганда болада қандайдир ёқимли ҳис-туйғу, тўғрироғи қалбида меҳр, уни кўриш иштиёқи туғилади. Биринчи кундаги дарсдаёқ ўқитувчи билан бола ўртасида дўстлик иплари маҳкам боғланади. Бу жуда яхши!

Мен тез-тез республикамизнинг турли бурчакларидаги мактабларда, болалар боғчаларида бўламан. Ўз касбига чинакам ихлосманд ўқитувчи, тарбиячиларга дуч келаман.

Бу йил Назарбек, Алимбува қишлоқларида зилзила оқибати бир неча мактаб ва боғчаларга зарар келтирди. Минглаб болалар Чирчиқ яқинидаги дам олиш уйида ўқишни давом эттирдилар. Калинин районидаги 1 ва 8-ўрта мактабларнинг ажойиб ўқитувчилар коллективи — бола қалбининг ҳақиқий инженерлари ирода билан оғир вақтда болаларга ҳам тарбиячилик, ҳам ота-оналик меҳрини бердилар. Уларнинг меҳр чашмаси ана шу оғир кунларда болаларга ҳудди обиҳаётдек даво бўлди.

Умрида ота-онаси бағридан бир қадам узоқ кетмаган болаларнинг қарийб етти ой узоқда бўлиши оғир бўлди. Лекин ўз касбининг усталари болалардаги мустақил фаолиятнинг, иродаларнинг тўғри шаклланиш имконини яратдилар. Бу ерда ўқитувчилар бола кўз ўнгида фақат ўқитувчигина эмас, балки дунёдаги энг табаррук, меҳрибон инсон, уни ҳеч ким билан таққослаш мумкин эмаслигини яна бир бор тушундилар. Бола характеридаги, шунингдек, ўқитувчи фаолиятидаги энг кичик, кўз илғамас ҳолатлар ана шу оғир кунларда яққол ўз ифодасини кўрсатди.

Дарҳақиқат, болани коллектив ҳаётга бошловчи инсон бу ўқитувчидир!

Бутун ҳаётини коллектив ҳаётига, болаларга бағишлаган фидойилардан бири Тошкентдаги 59-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муқаддам опа Қосимовадир. 45 йиллик педагогик фаолиятида ҳалол ишлаб, минг-минглаб ёшларни бахтли бўлишига, ҳаётда мустаҳкам ўрин олишига бу азиз ўқитувчи қўшқанот бўлганлигини, ота-оналар, жамоатчилик яхши ҳис этади. Она ҳамиша дастгоҳда ишлагандек банд. Мактаб муаллиманинг иккинчи уйи, десак тўғри бўлади. Она тарбиянинг нозик томонларини ўйлаб топишга моҳир. Опа мактаб таътилларида болалар билан нейнинги чораклларда олиб бориладиган ишлар режасини тузади. Ҳар бир боланинг руҳини янада чуқурроқ ўрганиш учун саволлар тайёрлайди. Ота-оналар билан тез-тез учрашиб, ана шу зарур масалалар ҳақида суҳбатлашади.

Тўғри, педагоглик касбининг ўзига хос қийинчиликлари кўп. Чинакам тарбиячи ўз касби олдида қийинчиликлардан қўрқмайди, иккиланмайди. Балки ҳамища ўз фаолиятини юзлаб, минглаб ёш авлод тақдири билан боғлиқ эканлигини ҳис ва идрок этса, ҳамма қийинчиликлар бартараф бўлади.

Юксак ибрат намунасини эгалламаган кишининг чинакам тарбиячи бўла олмаслигини фозиллар шундай таъкидлаганлар: «Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан якунланади. Билим, маърифат албатта яхши ахлоқ билан безатилса салмоқли бўлади». Абу Наср Форобийнинг педагогик қараш-ларидаги бу элемент бизнинг ҳозирги даврмиз учун ҳам характерлидир.

Яқинда болалар боғчасида бўлдим. Тарбиячи кўзгу олдида ўзига оро берарди. Хона тартибсиз. Болалар ўз ҳолича юришибди. Бири китобларга чизмоқда, бири ўйинчоқларни отмоқда. Хуллас, нохуш манзарага дуч келиб, ранжидим.

Тарбиячига бир неча саволлар билан мурожаат этдим. Унинг жавобларидан сезилдики, китоб ўқимайди, «болаларни севаман» дейди-ю, қилаётган иши, ўзини тутишига қараб ишонгим келмади.

Тарбиянинг ҳикматлари жуда кўп. Уни излаб топиш керак. «Педагогик одоб деб аталадиган нарса бор, — дейди К. Д. Ушинский, — тарбиячи педагогика назариясини нақадар ўрганмасин, одоб бўлмаганида ҳеч қачон яхши тарбиячи — амалиётчи бўлолмайди». Бу ҳақ гап. Юксак инсоний фазилат, хислатлардан бири бўлмиш маданиятлиқ тушунчаси жуда кенг, инсон ҳаёти фаолиятининг маданий ва маънавий жиҳатларининг ҳамма томонидан қамраб олади. Шуларга амал қилган тарбиячи-педагог бошқаларда ўзига нисбатан ишонч уйғота олади. Бу нарса педагогикада энг муҳимдир. Мактаб эса, ана шуларга асос соладиган муқаддас жой, зиёбахш иккинчи оила эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг мактабгача тарбия ва бошланғич таълим бўлимининг мудири, педагогика фанлари кандидати.

Урта мактабдаёқ ёшларга коммунистик эътиқод, совет ватанпарварлиги ва интернационализм туйғулари сингдирилади. Бунда педагогик коллективнинг катта ҳиссаси бор. Шаҳримиздаги 144-мактаб ўқитувчиси Роза Каримова ўтгиз йилдан бери рус тилидан дарс бериб келмоқда. У мактаб коллективининг ҳурмат-эътиборини қозонган.

СУРАТДА: ўқитувчи Р. Каримова ўқувчи Холида Хожибекова билан ўзаро суҳбат ўтказяпти.

Р. Альбеков фотоси.

Одамлар орасида

ШИРИН СЎЗ ҚУДРАТИ

Инсон табиатан яхши, ширинсўз шайдоси. «Яхши сўзнинг қаноти бор», — деб бежиз айтишмаган. Хушмуомала одам билан ҳамсуҳбат бўлсангиз енгил тортиб, учишга шайланаётгандек қанот ёзасиз.

Ёмон муомала, қўпол сўз қурсин. Кўнгил вайрон бўлади. Қизиқ, кўпинча ўйлаб кетаман: Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади-ку! Нега энди фақат ширин сўзларга дилни лиммо-лим қилиб, куриб яйраб-яшнаб гапириш мумкин эмас? Бу саволга мен шундай жавоб беришга ҳаракат қилдим.

—Албатта мумкин! Инсон ҳамма нарсага қодир!

Бир неча йиллардан бери болалар нутқини ўстириш проблемаси устида изланиш олиб бораман. Шунинг учун бўлса керак, сўз қудратининг нақадар катта аҳамиятга эгалигига такрор-такрор ишонч ҳосил қиляпман. Бир сўзни бир неча хил оҳанг билан айтиб, киши қалбига турлича таъсир этиш мумкинлигини ҳам илмий исботламоқчиман. Масалан, бола гапиришини аввало қаерда, кимлардан ўрганишини биламиз. У аввало ота-онаси — оиладаги катталарга ўхшатиб, таклид қилиб гапиради. Баъзи болалар ёшлигиданоқ қўпол гапиришга ўрганишади. Бунинг сабаби нима? Ота-онаси ширинсўз бўлса-ю, наҳотки бола ёмон гапларни ўрганса. Бу асло мумкин эмас.

Яқинда изланишим бўйича бир оилада бўлдим. Зиёли ота-оналар экан. Бу оилада, кўп яхши фикрларга эга бўлсам керак, деган катта умид уйғонди менда. Болалар билан суҳбатлашаётган хонадан нохуш товуш эшитилди.

— Кўряпсан-ку, мен бандман. Менга ҳалақит берма, кўп гапираверма! — деди эр даҳшатли билан.

— Ишингиз қурсин, мен бўшманми жонга тегди бу уйи! — деди хотин жизиллаб.

Болаларнинг хаёли ота-онанинг жанжалига жалб бўлдими, менинг саволларим жавобсиз қолаверди...

Муомала инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим омиллардан биридир. Бу хислатни болаларда жуда ёшликдан таркиб топтириб, аста-секин шакллаштириб бориш, айниқса ота-оналар алоҳида аҳамият беришлари керак.

Мен ўзим ёшлигимдан ширинсухан одамлар орасида вояга етдим. Қўпол муомала менга жуда ёмон таъсир этади. Халқимизнинг орасидаги энг яхши урф-одатлар, анъаналар ичида катта-кичикни «сиз»лаб гапирилса, оғиздан фақат яхши гап чиқади. «Сен» сўзи «сиз» сўзидан кўра оғиздан силлиқ чиқмайди.

Мен бир-бирларига ўта илтифотли, очиқ чеҳрали одамлар олдига интилиш табиий эканми, илмга шайдолигим туфайли илмий-текшириш институтига ўқишга келдим. Бу ерда жуда олижаноб инсонларга дуч келдим. Бир неча йилдирки, ажойиб фазилатли педагог Қумри Абдуллаева раҳбарлигида кандидатлик диссертациямни ёзяпман.

Мен бу даргоҳда илм сирларини ўрганиш билан одамийликни, самимиятни, энг муҳими хушфеъллик, хушмуомалаликни ўрганяпман. Мен шундай табаррук даргоҳда таҳсил кўриб, олижаноб инсонлар билан бир даврда яшаётганимдан, ҳаёт университетини олаётганимдан беҳад хурсандман. Шундай одамлар ҳамиша бор бўлишсин!

Маҳрабхон АКРАМОВА,
Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтининг аспиранти.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

3 Тошкент бет оқшоми

5 НОЯБРЬ, 1981 й.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 5/XI да **Алмандар** (15.00). 6/XI да **Алмандар** (11.00), **Кузнинг биринчи куни** (15.00), **Ун учинчи раис** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/XI да **Ишонмасанг Ўламан**, 6/XI да **Ешликда берган кўнгил** (премьера).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА — **катта байрам томошалари.**

КИНО

5 НОЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КУЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (17, 19.30).

«ЛЎЛИЛАР БАХТИ» — **Чайка** (жуфт соатларда), **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда).

«ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ЭКИПАЖ» — **Нунус** (16, 18.30, 20.45), **Лисунов номли** (17, 20.00).

«ТИРИКЛАР ОРАСИДА ЙЎҚОЛГАНЛАР». — **Искра** (16, 18, 20).

6 НОЯБРДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КУЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (12, 14.30, 17, 19.30), **Янгиобод** (14, 17, 20).

«ЛЎЛИЛАР БАХТИ» — **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Восток** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (тоқ соатларда), **Тинчлик** (жуфт соатларда), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ» — **Дружба** (жуфт соатларда), **Нунус** (тоқ соатларда), **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда).

«ЭКИПАЖ» — **Москва** (11, 14, 17, 20.00), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00).

«ТИРИКЛАР ОРАСИДА ЙЎҚОЛГАН» — **Искра** (16, 18, 20.00)

«УЧИНЧИ ЙЎЛ ЙЎҚ» — **Чайка** (12, 15, 18, 20.00), **Восток** (12, 15, 18, 20.00).

«МАНДА ҲАРФЛАР БИЛАН ИККИ ҚАТОР» — **Қ. Ёрматов номли** (жуфт соатларда), **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«УЛКАН ҚИСҚА ҲАЁТ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда)..

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
6, 14, 20, 27 НОЯБРДА
З. Фатхуллин асари.
Д. Зокиров музикаси.
«ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ»
(2 пардали музикали драма)

Саҳналаштирувчи режиссёрлар — СССР халқ артисти Р. ҲАМРОЕВ, Н. САНДҲОНОВ.

Дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Н. ХАЛИЛОВ.

Режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳ. ШАРИПОВ.

Рассом — А. ЖИБОЕДОВ.

Концертмейстер — М. ФУРМАН.

Режиссёр ёрдамчиси — И. ОДИЛОВ.

Бош ролларда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. ПЎЛАТОВА, Ҳ. ШАРИПОВ, А. МИРЗАЕВА.

Солистлар: П. АҲМЕДОВА, Р. ТЎРАЕВА, М. ҲУСАЙНОВА ва бошқалар.

СПЕКТАКЛЬ КЕЧ СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Билетлар сотилмоқда.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ:

7/XI да — **Баджаҳл қўёнча.**
8/XI да — **Сенми, бўри, шошмай тур!**
14/I да — **Рикки-Тикки-Тави.**
15/XI да — **Баджаҳл қўёнча.**
21/XI да — **Маугли.**
22/XI да — **Гапирувчи кўза.**
28/XI да — **Самбо.**
29/XI да — **Рикки-Тикки-Тави.**

КАССА ЧОРШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДАН, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ — СОАТ 10.00 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Справкалар олиш учун телефон (56-73-95 (94).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» 3-ТРЕСТИ ҚОШИДА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 59-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

дурадгорлар, ғишт терувчилар, арматурачилар, монтажчилар, пивандчилар, оддий ишчилар, прораблар, инженерлар, диспетчерлар, экономистларни. Ёлғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИГА

слесар, газ-электр пайвандловчилар, юқори вольтли электр токларига ижозат этиладиган электрчилар, юк ташувчилар, биноларни тозаловчи ишчилар, булка цехининг ишчилари (хотин-қизлар), печенье қадоқловчилар, тешик кулча цехининг ишчилари, сув ва химиявий тозалаш бўйича лаборантлар. Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

ЛЕНИН РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

газ-электр пайвандловчилар, газ пайвандловчилар, электр пайвандловчилар, слесарь сантехникларни. Меҳнат ҳақи ишбай, мукофотли. Ёлғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ТОШКЕНТ БЎЛИМИГА

юк қабул қилиб олувчилар, поезд тузувчиларнинг ёрдамчилари, из очиш постларининг навбатчилари, ғилдирак остига пона қўювчилар, тепловозлар ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандловчилар, токарлар, шофёрлар, юк ташувчилар, барча ихтисосликдаги қурувчилар, машинист ёрдамчиларни. Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИГА

саҳнани монтаж қилувчилар, гардеробчилар, моддий бўлимга бухгалтерлар, билет хўжалиги касснрлари.

ЛЕНИН РАЙОНИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ТАШКИЛОТЛАРИГА

почта қутиларидан хат-хабарларни олувчилар, хат-хабарларни тарқатувчи почтальонлар, почта жўнатмаларининг сараловчилари, почта вагонларининг проводник-электро монтёрлари, почта вагонида почта сараловчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН УШБУ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

М. Қорнёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ ҚОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал давлат коллективлар кўрик-конкурси ва Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

вокал-хореографик «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА.

Солистлар: Олмагул Суйербоева, Урбугул Суйербоева, Мавлуда Ойнақулова, Қўзибой Шерматов, Маъмуржон Мадвалиев, Феруза Солиҳова, Клара Хўжаева, Валентина Пашкова, Мавжуда Бахриева, Ойгул Турахўжаева.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани Ғиёжон Ибодуллаева олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Музыка раҳбари — Нажот ТУРАХЎЖАЕВ.

Балетмейстер — Мунаввар ИСРОИЛОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

5 НОЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

18.40 «Миллионлар ленинча университети». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР Давлат академик большой театри солистлари ҳамда РСФСРда хизмат кўрсатган артист В. Мошечкин раҳбарлигидаги электромузика чолғу асбоблари ансамблининг концерти. 20.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. «Кайзерслаутерн» (ГФР) — «Спартак» (Москва). 2-тайм. ГФРдан олиб кўрсатилади. Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги. «Эйнтрахт» (ГФР) — АСК (Ростон-Дон). 2-тайм. ГФРдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Останкино концерт студиясида сиёсий қўшиқлар кечаси. 23.40 «Дунё воқеалари».

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

19.30 «Нарни томондагилар, тингланг». Бадиий фильм.. («Мосфильм» ва «Монголкино»). 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Москва) В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Оловжон». Қўғирчоқ фильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ уччилар» (рус). 18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг». 19.15 «Тўғилган кунинг билан, Октябрь» Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Партия ва Ватанни шарафлаймиз». Узбекистон телевиденнесси ва радиосининг халқ чолғу оркестри ҳамда хори иҳросида музикали композиция. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевиденнесси ва радиосининг солисти Муножот Йўлчиева концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 М. Шатров. «Қизил ялпоқдаги кўк гулпорлар». Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 00.35 Кўрсатувлар программаси.

6 НОЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 Болалар учун. «Ташвишли ёз». Телевизион бадиий фильм премьерасй. 11.15 Оренбург Давлат рус халқ хорининг концерти. 12.00 «Муқаддас Байкал». Ҳужжатли фильм. 12.20 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студияларининг ҳужжатли фильмлари программаси: «Яхши кун деб». «Ишчи даҳқасининг қадри». 15.55 Бадминтон бўйича халқаро турнир. 16.25 «Ўсмирлар ижоди». «Трембито» болалар ансамбли иҳро этади. 16.55 «Сизни қиқиқтирган китоблар». 17.40 «Спорт оҳанглари». Совет ва чет эл спортчиларининг чиқиши. 18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 Революция ва граждан уруши қўшиқлари. 18.50 «Ленин номли». Ҳужжатли фильм. 19.35 С. Прокофьев. Фортепьяно ва оркестр иҳроси учун 1-концерт. 19.55 Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Байрам концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус ва пайтида — «Время». 23.15 «Театр учрашувлари». 00.55 Янгиликлар.

Марказий телевиденининг тўртинчи программаси

15.15 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади. 15.45 «Жасорат». 16.15 «Бош йўл». 1912 йилдан бери КПСС аъзоси М. М. Крустинсон ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.45 Балет артистларининг концерти. 17.15 «Ивановога хуш келибсиз». Енгил тўқимачилик саноат маркази ва унинг революцион ўтмиши ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 «Биз БАМни қурямиз». 20.00 РСФСР фольклор рақс ансамбларининг чиқиши. 20.45 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.00 Концерт. Концерт тугагач — «Время». 21.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК. «Химик» (Воскресенск). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Юлдузча». Киноальманах. 12.10 «Асса». Фильм-концерт. 12.25 «Республика мулки». Бадиий фильм. 1-серия. 13.30 «До-ре-ми-фа-соль» Музикали-ўқув кўрсатуви. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мангу барҳаёт сиймо». 18.50 «Ахборот» (рус). 19.05 «Анор». Фильм-концерт премьерасй («Узбекгелефильм»). 19.35 «Ахборот». 19.55 Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Узбекистон — қўшиғим менинг». 23.05 «Бош майдон». «Ленинград оҳанглари». «Тошкент — марказ». Телефильмлар. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

С. Раҳимов район партия комитети ва халқ депутатлари район Советининг ижроия комитети С. Раҳимов район халқ судининг раиси Ғ. А. Аббосовга отаси

Аббос ОРИФЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ДЕНГИЗ САХОВАТИ ДАСТУРХОНИНГИЗДА

Агар холодильникингизда консерва сақланса, уйга тўсатдан меҳмон келиб қолганда, уй бекаси ҳижолат тортмайди. Балиқ консервасидан экспресс овқат тайёрлаш мумкин. Дастурхонга балиқ салат билан бирга иштаҳа очадиган даражада тайёрланган бутерброд тортиш мумкин.

Байрам ва дам олиш кунлари бутун оила аъзолари йиғилганда, бирталикда телевизор кўргилари ёки сайр этгилари келади. Шунда ҳар бир уй бекаси тезда овқат тайёрлайди. Ана шунда ҳам консерва қўл келади. Консервадан хушхўр шўрва ёки қуюқ овқат тайёрлаш учун бор-йўғи 15—20 минут вақт сарфланади, холос. Консервадан бошқа хил масаллиқлар қўшиб овқат тайёрлашда вақт ва меҳнат тежалади.

Балиқ саноати ёғ, томат, сабзавот қўшилган ёки ўз ёғида пиширилган кўплаб консервалар ишлаб чиқармоқда.

Бу консервалар мазали ва фойдалидир.

ҲУРМАТЛИ УЙ БЕКАЛАРИ!

Байрам дастурхонларингиз ўз ёғида пиширилган скумбрия балиғининг ажойиб салати билан чирой очсин десангиз, маслаҳатларимиздан фойдаланинг:

қайнатилган картошка, сабзини парракдаб қирқилади, унга кўк пўхот аралаштирилади. Скумбрия балиғи гўштини банкадан очиб, кичикроқ бўлакларга кесилади. Ҳамма масаллиқни майонез билан аралаштириб, устига банкадан чиққан ёғли шўрва қўшилади. Салатни идишга солиб, ёнига балиқ бўлаклари, шунингдек, тухум кесиб қўйилади.

Бир банка (250 г.) консервага — уч дона картошка, икки дона тузланган помидор, бир дона сабзи, уч ош қошиқ кўк пўхот, бир бош пиёз, икки дона тухум, ярим банка майонез (100 г.).

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

МАГАЗИНЛАРДА:

томат қайлали, ёғда пишган ставрида; ёғли сардина, ёғ қўшилган скумбрия, скумбрия, ичига қийма солиб пиширилган балиқ иваси сельдидан тайёрланган сардина, иваси сельди, океан балиғидан тайёрланган қийма, томат қайлали салака, томат қайлали килька, ёғ қўшилган минтай, «турист» нокуштаси сотувга қўйилган.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7, 8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА.

Тошкент область, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Обиджон ОДИЛОВ.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси

Абдуғаттоҳ САИДОВ.

Оригинал жанри — Саттор ИСЛОМОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музыка раҳбари — Ғуйғун ОТАБОЕВ.

СССР Енгил саноат министрлиги пахта тозалаш саноати

МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўрта толали пахтани тозалаш, аррали жин машинасида тозалаш, ўрта толали пахта толасини тозалаш ҳамда тола чиқиндиларини қайта ишлаш, ингичка толали пахта тозалаш, валикли жин машинасида, ингичка толали пахта толасини тозалаш, ингичка толали пахтани қуритиш, линтларга ажратиш, уруғлик чигит тайёрлаш, уруғлик чигитни туксизлантириш, пахта ва чигит билан боғлиқ қўл меҳнатини механизациялаштириш, цех ва завод ички транспорт, автоматлаштириш, хом ашё, стандартлаш, жут заводларида қўл меҳнатини механизациялаштириш, технология, приборлар, вентиляция, пахтани синаш ва стандарт методларини яратиш, янги навларини ўрганиш ҳамда пахтани машинада териш технологияси, пресслаш, иссиқлик ҳажми алмашинуви, жорий этиш, йигириш, меҳнатни илмий ташкил этиш, экономика лабораториялари учун мудирлар, катта ва кичик илмий ходимлар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй.

ҚАДРЛИ КИНОТОМОШАБИНЛАР!

СИЗЛАРНИ САНЪАТ САРОЙИНИНГ КИЧИК ЗАЛИГА
5 НОЯБРЬ СОАТ 17.30 ДА
«УЛКАН ҚИСҚА ҲАЁТ...»

янги рангли бадиий фильмининг премьерасига таклиф этамиз

Постановкачи режиссёр — Йўлдош АЪЗАМОВ.

Ролларда: Мақсуд МАНСУРОВ, Александр ТИТОВ, Рашид СОДИҚОВ, Дмитрий ТОЛСТОЙ, Улуғбек ҒУЛОМОВ.

Фильм батракликдан Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биринчи раислигигача бўлган йўлни босиб ўтган Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли фарзанди Йўлдош Охунбобоев ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

«УЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

КЕЧАДА ЯНГИ КИНОЛЕНТАНИНГ ЯРАТУВЧИЛАРИ ИЖОДИЙ ГРУППАСИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

ЛАЗЗАТЛИ, ТЎЙИМЛИ, ФОЙДАЛИ!

Шарбатлар — лаззатли ва фойдали ичимлик. Улар сара усилган мева ва сабзавотлардан тайёрланиб, табиий меваларнинг барча қимматли моддаларини таркибида сақлаб қолади.

Олма шарбати таркибида меванинг талай қанди ва темир тузи бўлиб, болаларга жуда ҳам фойдалидир.

Помидор шарбати ташналикни яхши қолдиради, лаззатли сифати бўйича янги узилган помидордан қолишмайди.

Узум шарбати витаминлар, органик кислоталар, минерал туз ларнинг ажойиб хазинасидир.

Агарда Сиз байрамни уйингизда ўтказиш ва бунинг устига меҳмон кутсангиз дастурхонингиз салқин ичимликлар ёки минерал сувларсиз тўкин бўлмайди.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

Сиз «Ташлимводторг»нинг павильонлари, киосклари ва магазинларидан томат, олма, узум, олхўри шарбатларини, лимонадлар ва Тошкент сувини сотиб олишингиз мумкин.

«ТАШЛИМВОДТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«РАДИО УЙИ» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Телевизор ва радио молларини сотиш бўйича ихтисослаштирилган «Радио уйи» магазинидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизорлар, радиоприёмниклар, радиолалар, электрофонларнинг энг яхши маркаларини сотиб олишингиз мумкин.

СОТУВГА ОҚ-ҚОРА ВА РАНГЛИ ТАСВИРДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР: «ВИТЯЗЬ—714», «ЛАЗУР—714», «САДКО—714», «ЯНТАРЬ—714», «ЧАЙКА—722», «ЧАЙКА—714», «СЛАВУТИЧ—Ц202», «БЕРЕЗКА—Ц202», РАНГЛИ ВА ОҚ-ҚОРА ТАСВИРДАГИ КИЧИК ҲАЖМЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР: «ЭЛЕКТРОНИКА—ВЛ100», «ЭЛЕКТРОНИКА—450», «ЮНОСТЬ—405», «ЮНОСТЬ—Р630» ҚЎЙИЛГАН.

Бугун биз сизларни уларнинг айримлари билан таништирамиз.

Телевизор экранини «ойнаи жаҳон» деб ифодали таърифлашади, рангли телевизор хусусида гап борадиган бўлса, бу ибора жуда ҳам мос тушади.

«ВИТЯЗЬ—733» телевизори табиатнинг қўриқхонага айлантирилган бурчаклари ёрқин бўёқларини, спорт байрамларининг жозибасини ажойиб талқин этади. Телевизор давлат Сифат белгисига сазовор бўлган, бу модель «СССРда дизайнлар» халқаро кўргазмасида муносиб баҳоланган ва мукофотланган.

«ЧАЙКА—722» телевизорида исталган программага ўтиш учун унинг сенсор майдончасига бармоқни оҳиста текказишнинг ўзи кифоя, автоматик қурилмаси эса тасвирнинг тиниқ, овознинг равшан эшитилишини созлаб туради. Телевизор конструкциясида программаларни ҳар қандай бегона шовқин ва аломатларсиз қабул қилиш хусусияти бор, автоматик қурилмаси эса телевизорнинг пухта ишлашини таъминлайди.

Оиланинг барча аъзолари оқшом чоғи жамулжам бўлишганида бир киши хоккей матчини кўрамиз деса, иккинчиси бадиий фильм яхшироқ деб эътироз билдиришни мумкин. Бундай пайтда баҳсни иккинчи—қўлда кўтариб юриладиган портатив телевизор ҳал қилади.

«ЭЛЕКТРОНИКА— ВЛ100» телевизорининг оғирлиги бор-йўғи 2,8 килограмм, экранининг размери диагонали бўйича 17 сантиметр, габарит ҳажми —180x175+211 миллиметр. Интеграл схема асосида йиғилган бу телевизор ишлатишда юқори ишончлилик ва тежамкорликни таъминлайди, автоматик қурилмаси эса тасвирнинг барқарор бўлишига кафолат бўлади. Телевизор аккумуляторли батарея ёки электр тармоғидан қувват олиб ишлайверади..

«ЭЛЕКТРОНИКА—Ц430» портатив, рангли телевизори кичик ҳажмли квартирага жуда ҳам мос тушади. У ўз жойни эгаллайди, чиройли ва замонавий безакланган. Телевизорга сенсор қурилмаси ўрнатилган, овозини бошга кийиладиган телефон ёрдамида эшитиш кўзда тутилган, «Электроника» типидаги видеомагнитофон билан ҳам ишлайверади.

Агарда Сиз телевизор сотиб олиш тараддудида бўлсангиз, 55-«Радио уйи» магазинига марҳамат қилинг!

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!

«РАДИО УЙИ» ихтисослаштирилган магазинининг ходимлари харидорларга бир қатор қўшимча хизматларни ҳам кўрсатишади:

сотувчи-консультантлар Сизнинг истагингизга биноан телевизорни ишлатиб кўрсатишади, у билан батафсил танишишингизга ёрдамлашишади; у ёки бу моделнинг ўзига хос хусусиятлари, ишлатиш қоидаси ҳар бир телевизорнинг техникавий характеристикаси тўғрисида ҳикоя қилиб беришади;

янги телевизор сотиб олаётганингизда, Сиз унинг ҳисобига эски, ишлатиб бўлинган телевизорингизни топширишингиз мумкин;

магазин қошида «ТАШТРАНСАГЕНТСТВО»нинг махсус диспетчерлик пункти ишлайди. Унинг ходимлари харид қилган буюмингизни етказиб беришни ташкил қилишади;

Магазин телевизор ва радио аппаратураларини нақд пулга, шунингдек кредит йўли билан ҳам сотади.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 17-уй.
Иш соатлари — 10.00 дан 19.00 гача.
Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача.
Дам олиш куни — якшанба.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

4 Тошкент бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 НОЯБРЬ, 1981 й. Р—02315. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.